



# Куч — адолатда

2011 йил,  
7 июль,  
пайшанба  
№ 27 (333)

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг ҳуқуқий газетаси

<http://www.supcourt.uz>

1998 йил 29 августдан чиқа бошлаган.

## Буюк ва муқаддассан, муस्ताқил Ватан!



### ТАРАҚҚИЁТНИНГ ОЙДИН ВА ШУКУҲЛИ ЙЎЛИ

ҳар бир юртдошимиз кўнглига фахр-ифтихор бағишлайди

Ҳар биримиз учун азиз ва қадрли бўлган байрам — Ватанимиз мустақиллигининг йигирма йиллигини катта тантаналар билан нишонлашимизга ҳам оз фурсат қолди. Юртимизнинг ҳар бир шаҳару тумани, қишлоқ ва овулида ушбу муборак байрамни баланд руҳ ва кўтаринки кайфият билан кутиб олиш учун қизғин тараддуу кўрилмоқда.

Истиқлол айёмини кўтаринки руҳда қарши олишимиз замирида Ватанимизнинг ҳур ва озод экани, ўз тақдирини ўзи белгилаши, ўзининг табиий, иқтисодий ва интеллектуал салоҳиятини мустақил намоен этиши, умуман олганда, сиёсий, иқтисодий мустақиллигини мустаҳкамлаш йўлида фуқароларимизнинг мардондор ва масъулиятли, айни пайтда, улкан яра-

тувчилик ва бунёдкорлик йўлини босиб ўтгани мужассамдир. Айтиш кераки, давлатимиз раҳбари бошчилигида мураккаб синновларни, тўсиқ ва ғовларни мардондор енгиб ўтиб, танлаган йўлимиздан қайтмасдан, эзгу мақсадларимизга эришиш учун қатъият ва матонат билан қадам кўймоқдамиз. Муस्ताқил тараққиёт йилларида эркин ва мустақил де-

мократик давлат ва очик фуқаролик жамияти барпо этиш, иқтисодиётни тубдан ислоҳ этиш, аҳоли манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган кучли ижтимоий сиёсатни амалга ошириш бўйича қабул қилган қонунларимиз орқали давлатимизнинг мустаҳкам ҳуқуқий тизими яратилди.

(Давоми иккинчи бетда)

МАМЛАКАТИМИЗДА ИСТИҚДОЛНИНГ ЎТган даврида бошқа соҳаларда бўлгани каби суд-ҳуқуқ тизимида ҳам изчил ва босқичма-босқич ислоҳотлар амалга оширилгани, бу янгиликлар ва ўзгаришлар жараёни бутун ҳаётда ўзининг аниқ самарасини бераётганига ҳар биримиз гувоҳимиз.

### Yangi qonun mohiyati

## Судларда соддалаштирилган тартибда иш юритиш у амалда кутилган натижани бермоқда

Айниқса, фуқароларнинг шахсий, сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқларини, эркинлик ва манфаатларини, шунингдек, қорхоналар, муассасалар, ташкилотлар, жамоат бирлашмалари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ҳуқуқ ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида фуқаролик ишларини тўғри, ўз вақтида кўриб чиқиш ва ҳал этишдан иборат вазифа юклатилган фуқаролик суд ишларини юритиш соҳасини тартибга солуви қонунчилик асослари яратилди.

1997 йил 30 августда қабул қилинган Фуқаролик процессуал кодексига фуқаролар ва

ташкilotларнинг бузилган ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишининг самарали механизмини белгилловчи мезорлар мустаҳкамлаб кўйилди. Шунингдек, фуқаролик процессуал қонунчиликни тақомиллаштиришга қаратилган суд-ҳуқуқ ислоҳотлари давом эттирилиб, фуқароларнинг суд орқали ҳимояланишига бўлган ҳуқуқларини амалга ошириш учун кўшимча қулайликлар яратиш мақсадида Фуқаролик процессуал кодексига фуқаролик ишларини ҳал қилишининг биринчи соддалаштирилган тартибини назарда тутувчи "Бўйруқ тартибда иш юритиш" деб номланган 201-бўй қўриқилди.

(Давоми учинчи бетда)

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлардан кўзланган асосий мақсад фуқароларнинг турмуш фаровонлиги даражасини янада ошириш, мамлакатимизни ривожланган давлатлар қаторига қўшиш, эркин фуқаролик жамияти барпо этишдан иборатдир.

### Qonun ko'magi

## Мурожаатлар масъулият талаб этади



Ушбу эзгу мақсадга эришиш учун дастлабки амалий қадам сифатида юртимизда инсон, унинг ҳуқуқ ва манфаатлари

олий қадрият сифатида эътироф этилди. Зотан, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, фуқароларнинг эркинлигини таъминлаш демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти қуришидаги энг муҳим вазифа ҳисобланади.

Бунда шакллантирилган ва тақомиллаштирилаётган қонунчиликнинг алоҳида ўрни борлигини таъкидлаш жоиз.

(Давоми иккинчи бетда)

МАМЛАКАТИМИЗДА СУДЛАР ИХТИСОСЛАШУВИ ЖОРИЙ ЭТИЛГАНИ, Яъни умумий юрисдикция судларининг фуқаролик ишлари ва жиноят ишларини алоҳида-алоҳида кўриб чиқадиган судларга ажратилгани суд тизимида изчилик билан олиб борилаётган ислоҳотлар жараёнида жиддий қадам бўлди.

### Huquqiy ma'rifat

## Судловга тааллуқлилилик

унга қатъий риоя этиш ортиқча оврагарчиликнинг олдини олади

Аниқроқ айтганда, судларнинг ихтисослаштирилиши инсон ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатли ҳимоя қилиш, судларда ишларни ўз вақтида, сифатли кўриб чиқишда мустаҳкам замин яратди.

Мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари ҳимояси Конституция ва қонун йўли билан мустаҳкамлаб кўйилган. Ҳар бир фуқаро суд орқали ўзининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш ҳуқуқига эга. Демак, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш ҳақида гап борар экан, даъво ишларининг судловга тааллуқлилиги юзасидан тўлароқ тушунчага эга бўлиш фойдадан холи эмас.

(Давоми учинчи бетда)

### 2011 йил — «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили»

## Миллий фаровонлик пойдевори

МАМЛАКАТИМИЗДА ТАДБИРКОРЛИК РИВОЖИГА Бўлган алоҳида эътибор туфайли соҳа вакиллариининг сафи ҳам, уларнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши ҳам кескин ошиб бормоқда. Қиёсласак, 1991 йилда бу соҳанинг ялпи ички маҳсулот таркибидаги улуши 1,5 фоиз бўлган эди, ҳозирги кунга келиб ушбу кўрсаткич 52,5 фоизга етди.

Таъкидлаш кераки, ушбу иқтисодий ўсиш давлатимиз раҳбари ташаббуси билан жамиятимизда тадбиркорлик руҳини қорор топтириш ва уни ҳар томонлама мустаҳкамлаш борасида зарур шарт-шароитлар яратилгани мевасидир. Хусусий тармоқ нафақат ялпи ички маҳсулотни шакллантиришда асосий бўлин, балки аҳоли бандлиги ва даромадлари манбаининг, миллий фаровонликка эришишнинг муҳим омилга айлангани ҳар жиҳатдан ривожланаётган, ишлаб чиқариш қуввати ошаётган, экспорт салоҳияти юксалаётган, энг муҳими, кундан-кун обод бўлаётган юртимиз, фаровон турмуш кечираётган халқимиз тимсолида яққол намоен бўлмоқда.

(Давоми иккинчи бетда)



### Mulohaza

## Мустаҳкам оила — жамият таянчи

ҲАР БИР ИНСОННИНГ ҲАЁТ ЙЎЛИ ОИЛА БИЛАН ЧАМБАРЧАС БОҒЛИҚ ҲОЛДА КЕЧАДИ. ШУ МАЪНОДА ОИЛАДАГИ МУҲИТ ИНСОННИНГ ШАКЛЛАНИШИГА БЕВОСИТА ТАЪСИР КЎРСАТАДИ. БУ ЭСА ЎЗ-ЎЗИДАН КОМИЛ ИНСОННИ ТАРБИЯЛАБ ВОЯГА ЕТКАЗИШДА ОИЛАДАГИ СОҒЛОМ МУҲИТ ҲАЛ ҚИЛУВЧИ АҲАМИЯТ КАСБ ЭТИШНИ АНГЛАТАДИ.

Президентимиз таъкидлаганидек, оила жамиятнинг негизи, бунда ўзаро ҳурмат ва қаттиқ тартиб бўлмаса, оиланинг

барча аъзолари ўз бурчларини адо этмаса, бир-бирига нисбатан эзгулик билан меҳр-оқибат кўрсатмаса, яхши ва

муносиб тарзда яшаш мумкин эмас.

Оила — жамиятнинг муҳим бўлини, ёш авлод камолга етадиган табаррук маскан. Инсоннинг соф, покиза туйғулари, илк ҳаётий тушунча ва тасаввурлари дастлаб оилада шаклланади. Шунинг ўзиёқ оила масаласига енгил қарамаслик, хусусан, оила қуришда ҳар бир жиҳатни пухта ўйлаб кўриш лозимлигидан далолат беради.

(Давоми тўртинчи бетда)

### Burch va majburiyat

## Ҳисобли дўст — айрилмас

бу ҳикматга амал қилган киши ҳеч қачон ютқазмайди

Ёрдамга муҳтож кишига ҳам маънан, ҳам моддий жиҳатдан кўмаклашиш, унга мадад бериш халқимиз табиатига хос олижаноб фазилатлардандир. Масалан, турли сабабларга кўра моддий ёрдамга муҳтож бўлиб қолган кишини қўллаб-қувватлаш, яъни унга қарз бериш ва шу тариқа унинг мушкулларини осон қилиш ҳам саховатнинг бир кўриниши ҳисобланади.

Муҳими, кундалик ҳаётимизда учраб турадиган бундай ижтимоий муносабатларда, албатта, қонунда белгиланган тартиб-қоидаларга таяниш лозим. Акс ҳолда, қарз олувчи билан қарз берувчи ўртасида низо келиб чиқиши ҳеч гап эмас.

Маълумки, Фуқаролик кодексининг 732-моддасида қарз шартномасига оид талаблар баён этилган. Унга кўра, қарз шартномаси бўйича бир тараф (қарз берувчи)

иккинчи тарафга (қарз олувчи) пул ёки бошқа ашёларни мулк қилиб беради, қарз олувчи эса қарз берувчига бир йўла ёки бўлиб-бўлиб, ўшанча суммадаги пулни ёки қарзга олинган ашёларнинг хили, сифати ва миқдорига барабар ашёларни (қарз суммасини) қайтариб бериш мажбуриятини олади. Ушбу шартнома пул ёки ашёлар топширилган пайдан бошлаб тузилган деб ҳисобланади.

(Давоми учинчи бетда)





